



АГРАР СОҲАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич -
и.ф.н., катта илмий ходим, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти" Миллий тадқиқот Университети, "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a52

Аннотация. Аграр соҳа ишлаб чиқариши барқорар ривожланиш ўйлига ўтказишни ва илмий ишланмаларни кенг миқёсда жорий этишини талаб этади. Республикада инновацион илмий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва уни сотиш, инновацион маҳсулотларни таомиллаштириш, ишлаб чиқариш базасини кенгайтиши ва илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ўйналишида кўшимча маблағлар яратиш мұхим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада илмий-тадқиқот ишларининг ҳар бир ўйналиши бўйича нафақат бугунги қунда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар, балки келаjakада аграр соҳанинг инновацион ривожлантимиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Ключевые слова. Илмий тадқиқот, илмий ишланмалар, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион тадқиқотлар, молиялаштириш, рафбатлантириш, ривожланиш, таомиллаштириш.

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВА В АГРАРНОЙ СФЕРЕ

Бабаджанов Абдирашид Мусаевич -
кандидат экономических наук, старший научный
сотрудник, Национальный исследовательский
Университет «ТИИМСХ» Доцент кафедры
«Бухгалтерский учет и аудит»

Аннотация. Аграрная сфера требует перевода производства на путь гармоничного развития и широкомасштабного внедрения научных разработок. Важное значение имеет создание в республике дополнительных средств для разработки и реализации инновационной научной продукции, совершенствования инновационной продукции, расширения производственной базы и углубления научных исследований. В данной статье изложены мнения и комментарии по каждому направлению научно-исследовательской работы не только по проблемам, которые необходимо решить сегодня, но и по вопросам, связанным с инновационным развитием аграрной сферы в будущем.

Ключевые слова. Научные исследования, научные разработки, инновационный процесс, инновационная деятельность, инновационные исследования, финансирование, стимулирование, развитие, совершенствование.

SCIENTIFIC BASIS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF AGRARIAN PRODUCTION

Babadjanov Abdirashid Musayevich -
PhD in Economics, senior scientific researcher.
Associate professor of the Department of Accounting and Auditing.
National Research University TIIAME

Abstract. The agrarian sphere requires the transfer of production to the Barkar development path and the introduction of scientific developments on a large scale. It is important to create additional funds in the direction of development and its sale of innovative scientific products, improvement of innovative products, expansion of the production base and deepening of scientific research in the Republic. In this article, views and comments on each direction of research work are made not only on the problems that need to be solved today, but also on issues related to the innovative development of the agrarian sphere in the future.

Keywords: Scientific research, scientific developments, innovation process, innovation activity, innovative research, financing, stimulation, development, improvement.

Кириш. Мамлакатимиз аграр соҳасини илмий жиҳатдан ривожлантриш ва илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга эришиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифалардан биридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида қишлоқ хўжалигини бошқариш,

экинлар таркибини таомиллаштириш, хўжалик юритиш шакллари, ер, сувдан, ишчи кучидан фойдаланиш, соҳанинг моддий техника базасини ривожлантриш, маҳсулот сотиш, инфратузилма субъектлари, қишлоқларнинг ривожланишини, қишлоқ хўжалигини, умуман агросаноат мажмуасининг ривожланиши билан боғлаб олиб бориш бўйича комплекс тадқиқот-

ларни амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 февралдаги “2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш Концепцияси” ПФ-6159-сонли фармони қабул қилинди[1].

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада чукурлаштириш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, ресурс тежайдиган инновацион технологиялар, илғор хорижий ва маҳаллий фан ютуқларини жорий этиш, замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агрохизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, қўйидаги устувор йўналишларни қамраб олади: меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришига мос ҳолда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган аграр таълим тизимини такомиллаштириш; агросаноат мажмуидаги илмий муассасаларнинг илмий ва инновацион фаолиятини янада ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни чекловчи қўйидаги муаммолар мавжуд; қишлоқ хўжалиги тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш дастури мавжуд эмас; тармоқда зарар кўриб ишлётган ва иқтисодий жиҳатдан заиф корхоналарнинг катта улуши мавжуд; инновацион-инвестиция жараёнларини қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас; аграр фани ва ахборот-маслаҳат хизматлари тизими етарли даражада ривожланмаган.

Бугунги кунда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан боғланган холос. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан сўнгги жараёнлардаги техника ва технологияларни такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-тадқиқотларни молиялаштиришга кам эътибор берилмоқда.

Аграр соҳада ишлаб чиқариладиган ҳар бир маҳсулот турининг ўзига хос техник-технологик талабларидан келиб чиқсан ҳолда истиқболли ва ресурстежамкор инновацион йўналишларни аниқлаш, уларни тезкорлик билан амалга ошириш моделларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Замонавий илмий-инновацион сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида глобал муаммолар концепциясининг келиб чиқиши ва унинг шаклланиш босқичлари ўрганилди. Шунинг учун бу глобал муаммоларга қайта йўналтириш, “катта илм-фан”нинг вазифалари ва мақсадга эришишда жиддий ўзгаришлар ҳам ҳар ҳар иккала элементларнинг узлуксизлигини, механизмини ўз ичига олиши исботланган[2].

Аграр соҳа илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ва аграр фанини молиялаштиришда ҳудудлар (вилоятлар) субъектлари (илмий маҳсулот истъемолчилари) етарли даражада иштирок этмайди. Ушбу муаммо илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни узвий эмаслигидир. Шунинг учун, аграр соҳадаги илмий муассасаларни молиялаштириш келажакда илмий тадқиқотларни асосий молиялаштириш йўналиши бўлиб қолиши, тадқиқот ишларига банқдан кредит олиб ишлаши, илмий ишланмаларни ўз вақтида амалиётга жорий этиши ва илмий маҳсулотни эркин сотиш мумкин.

Мамлакат аграр соҳани барқарор ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи олдида турган вазифаларни тўлароқ бажариш имкониятини беради.

Адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг юқори даражаси аграр соҳадаги илмий ишланмаларга кўп сармоя киритаётган мамлакатлар томонидан намоён бўлмоқда. Агар қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик камайса, бу муқаррар равишда озиқ-овқатга учун сарф-харажатларининг ортишига олиб келади. Инновациялар қишлоқ хўжалиги тармоғи самарадорлигини оширади, шу билан бирга аҳоли учун озиқ-овқат нархини пасайтиради ва уни янада тежайди. Шунинг учун давлатнинг вазифаси инновацион фаолият ва ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашгина эмас, балки ҳақиқатдан ҳам самарали инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Аграр соҳада ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантиришнинг илмий асослари масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий мамлакатлар ва Республика олимлари томонидан иқтисодиётда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясига оид тадқиқотларида иқтисодий ислоҳотлар асосида ўрганилган.

А.А.Юдин таъкидлашича, фундаментал тадқиқотлар амалий ишланмалар билан бирга олиб борилиши керак. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инновацион фаолиятини рағбатлантирадиган иқтисодий шароитларни яратиш лозим. Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инновацияларни стратегик ёндашув асосида тизимли жорий этишини таъминлаш зарур: аграр соҳага инвестициялар самарадорлигини ошириш; тармоқ маҳсулотларининг асосий турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш; туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини марказ даражасига кўтарилишини таъминлаш[3].

Архипов бир қатор вазифаларни ҳал қилишга ҳаракат қилинмоқда: халқаро рейтинг

натижалари асосида маълумотларнинг умумийлигини таҳлил қилиш ва модернизация қилиш ҳамда реконструксия қилиш учун инвестициялар таркибини баҳолаш, шунингдек, йирик компаниилар ва корхона ходимларининг инновацион ривожланишини рағбатлантириш механизmlарини таҳлил қилиш[4].

С.В. Анисимова мисол учун, инновация жараёни ривожланишининг якуний индекси ҳосилдорлик кўрсаткичларини (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик самарадорлиги) – қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини билан изоҳлади. Бундай маълумотлар таҳлил шуни кўрсатди, агарар мажмуасининг ялпи маҳсулоти солиштирма нархларда, доимий ўсиш тенденцияда технологик рентабелликнинг интеграл кўрсаткичи сифатида[5].

С.С. Резниченко қишлоқ хўжалигига биринчидан, якуний маҳсулотнинг бошқа тармоқларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари шубҳасизdir – озиқ-овқат. Бундай ҳолда, ҳар қандай инновацияларни қўллаш нафақат иқтисодий манбаатларга, балки истеъмолчиларнинг соғлиғини таъминлашга ҳам қаратилиши керак[6].

В.Б. Коокуева, миллый инновацион тизими яратища инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни кўрсатилиб, ижобий ва салбий жиҳатлари ёритиб берилган. Жамғарманинг асосий дастурлари, шартлари, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажми тавсифланади. Жамғарманинг давлат дастурларини амалга ошириш доирасидаги фаолиятига баҳо берилади. Давлат дастурлари ва дастурий мақсадларга еришиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобига жамғармани молиялаштириш ҳажми ва мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ўртасидаги муносабатлар таҳлили амалга оширилади[7].

Бизнинг фикримизча, инновация – товарларнинг истеъмол ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш мақсадида амалиётда қўлланилаётган илмий фаолият натижаси бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди.

Тадқиқот методологияси. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, инновацион тадқиқотларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, инновацион илмий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, соҳада инновацион ривожланишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш тизими яққол намоён бўлмоқда. Тадқиқотлар натижасида мавзусига асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот жараёнида илмий билиш ва иқтисодий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

Натижалар ва намуналар мұхоказаси.

Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ва бундан кейинги ривожланиши соҳани инновацион жараёнга ўтказиш, муаммолар ечими инновацион лойиҳалар асосида олиб борилишига боғлиқ. Яна бир мұхим муаммолардан бири - банк кредитларининг йиллик фоизлари ва кредитни қайташ муддати ҳисобланади. Бундан ташқари инновацион лойиҳаларда тижорат банклари нинг ўзларини ҳам бевосита иштирок этишларини рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бундай ҳолатда банк кредит фоизларидан ташқари, сотилган маҳсулотдан тушадиган тушумнинг бир қисмiga ҳам шерик бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий асосланган янги йўналишини ишлаб чиқиш ва шу асосда тармоқда инновацион лойиҳаларни амалга оширишга фермер ва дәҳқон хўжаликларини жалб қилиш орқали олиб борилиши лозим.

Маълумки инновацион лойиҳа ўз ичига қатор йўналишларни олади, бу илмий ғоядан бошланиб инновацион маҳсулотни сотиш билан якунланиши керак. Бу жараённи ҳаракатга келтирувчи куч икки мұхим масалага боғлиқ: биринчиси, инновоцион лойиҳани молиялаштириш; иккинчиси, жараённи амалга оширишдаги иштирокчи субъектларни тушунчаси ва билимiga боғлиқ.

Шуни ҳисобга олиб янги яратилиши лозим бўлган қишлоқ хўжалигининг илмий асосланган юритиш тизимида ушбу масалаларга алоҳида урғу берилиши лозим.

Жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар – иқлим ўзгариши, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологиясини тез суратлар билан такомиллашиб бориши, озиқ-овқат таъминотидаги ҳолат, ташқи ва ички бозорни ривожланган давлатлар маҳсулотлари тобора кўпроқ эгаллаб бориши ва улар маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошиб бориши ҳамда шунга ўхшаш бошқалар ўзгаришлар мавжуд. Шунингдек, мамлакат ичкарисида қишлоқ хўжалиги тармоғидаги иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши, фермер ва дәҳқон хўжаликлари маҳсулотлари ҳажмини ва сифатини оширишни талаб қиласди.

Жуковская илмий ишда ахборот технологияларидан фойдаланиш мисолида, инновацион ечимларнинг атрибуттив моделлари аниқланди, кичик ва ўрта бизнес соҳасида кўп каналли атрибутлардан фойдаланиш оқланди, шунингдек инновацияларни муваффақиятли стратегик ривожлантиришнинг асосий тамойиллари таклиф этилди[8].

Шу шароитда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш чоралари кўрилмас экан, мамлакат аграр соҳаси рақобатбардошлигини пасайишига олиб келади. Шуни ҳисобга олиб Инно-

вацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқовқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқотларни алоҳида кўриб чиқиши лозим.

Бизнинг фикримизча, юкоридаги муаммо ечими юзасидан тадқиқотлар маҳсус дастур ишлаб чиқиб, унда кўплаб илмий-тадқиқот ташкилотларни шунингдек, нодавлат турдаги тадқиқот кархоналарни ҳам жалб қилиш илмий салоҳияти бирлаштирилган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тизим ҳар бир худуд бўйича, худуд илмий солоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир табиий худуд бўйича тузилиши лозим. Вилоятлар одатда маъмурӣ чегара ҳисобланади, худуд эса табиий иқлим шароити, сув ва мелиорация йўлларини ҳисобга олади.

Ҳозирги кунда бундай мураккаб тадқиқот ишларига катта ҳажмдаги маблағни талаб қиласди. Шуни ҳисобга олиб, молиялаштиришда қўйидаги манбалардан фойдаланиш зарур бўлади: давлат бюджет маблағи фундаментал тадқиқотларни тўлиқ қамраб олиши керак, маҳаллий бюджет маблағи, товар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар яъни фермер ва дехқон хўжаликлири маблағлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашга ихтисосланган корхоналар маблағлари, қишлоқ хўжалигига сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар, грантлар, турли шаклдаги хомийлар маблағлари. Қишлоқ хўжалиги тармоғи, мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳаларига ҳам таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда мазкур дастурни иқтисодиётининг бошқа соҳалари маблағлари, шунингдек, ҳалқаро молиявий ташкилотларни кредит маблағларни ҳисобидан ҳам амалга ошириш лозим бўлади.

Мамлакат аграр фани олдида турган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари қўйидагича: яқунланган илмий ишларни жорий қилиниш коэффициентининг пастлиги; фан-техника ютуқларига бўлган талаб ва таклиф орасидаги мувозанатнинг йўқлиги; аграр соҳа фани тизимининг ва илмий-тадқиқот олиб бориш услуги такомиллашмаганлиги; аграр фанини бошқариш тизимини такомиллашмаганлиги; илмий-тадқиқот тизимида илмий ходимлар этишмовчилиги; фан-техника ривожланиш давлат дастурининг такомиллашмаганлиги; фермерлар ва дехқонларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги билимлари этишмаслиги.

Ҳозирги кунда аграр фани ривожлантириш фан олдида турган санаб ўтилган муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда уларни ечими топишдан иборат. Бу ечимларни топишда олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида фаттгина илмий тадқиқот муассасалари ва илм

билан шуғулланувчи олий таълим даргоҳлари балки ҳукумат керакли вазирликлар, идоралар ва албатта хусусий сектор иштирок этишлари зарур. Мамлакат аграр сиёсатига ва аграр соҳа фанини ва умуман аграр соҳанинг ривожланиши билан боғлик бўлган ҳуқуқий ва меъёрий хужжатлар ва шу соҳадаги қарорларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Аграр соҳанинг бундан бўён барқарор ривожланиши учун сифатли ва мураккаб илмий салоҳият талаб қиласидиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, инновацион ривожлантириш илмий асосларини, илмий-тадқиқот ишларининг устивор йўналишларини белгилаб олиш, илмий тадқиқотларни молиялаштириш зарурати ва тадқиқотлар учун йўналтирилган маблағлар самарадорлигини мониторинги амалга ошириш, бунинг учун эса унинг тизимини яратиш заруратини пайдо бўлади. Мамлакат қишлоқ хўжалигини илмий таъминотини янги босқичга кўтариш имкониятини беради.

Аграр соҳада илмий-технологик ривожланини жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шарти, инновацион тадқиқотларни ташкил этиш ва инновацияларни яратиш учун изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида ривожлантириш, кейинчалик уларни янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яратиш мақсадида ишлаб чиқаришда бевосита ривожлантириш керак.

Аграр соҳа субъектларининг инновацион фаолияти омиллари: соҳанинг инновацион ривожланишини илмий таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий ютуқларни ўзлаштиришда устивор йўналишларни танлаш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган янгиликларни ривожлантиришни жадаллаштириш; соҳа ходимларини инновацион фаолияти натижадорлиги учун иқтисодий рағбатлантириш; қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчilarinинг илмий ишланмаларни жорий этишдан қўшимча таъсир олишдан манфаатдорлиги; товар ишлаб чиқарувчilarinинг ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоқларида тавсия этилган илмий ишланмалар ҳақида тушунча; инновацион жараённинг барча даражаларида кадрларни илмий ва ташкилий жиҳатдан тайёрлаш.

Аграр соҳани илмий таъминлашда илмий муассасаларни молиялаштиришда инновацион дастурлар билан иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу турдаги молиялаштириш келажакда амалий илмий тадқиқотларни асосий молиялаштириш йўналиши бўлиб қолиши керак.

Бизнинг фикримизча, инновацион дастурлар бўйича молиялаштиришни икки йўналишда олиб борилиши лозим: биринчи йўналишда,

инновацион дастурни илмий маҳсулотнинг истеъмолчиси ёки истеъмолчиларнинг бевосита иштироки ёки буюртмаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши мумкин. Бунда олдиндан илмий маҳсулотнинг истеъмолчиси маълум бўлиб, у илмий-тадқиқот ишларининг бошланишидан молиялаштириб боради ва якунланган илмий маҳсулот унинг интеллектуал мулки бўлади; иккинчи йўналишда эса, илмий муассаса ўзининг олиб борадиган илмий-тадқиқот ишларига банқдан кредит олиб ишлаши ва тугалланган илмий маҳсулотни эркин сотиши мумкин.

Шунингдек, инновацион дастурнинг учинчи йўналиши ҳам бўлиши мумкин. Бунда илмий муассасадан ташқари, тадқиқот жараёнида маҳсулот етиштирувчи, уни қайта ишловчи ва сотовучи ташкилотлар ҳам иштирок этиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида инновацион дастурлар илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим. Бизнинг фикримизча, илмий муассасаларни молиялаштиришнинг 80-90 фоизи инновацион дастурлар орқали амалга оширилиши лозим.

Вазирлик, Илмий марказ, идоралар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, айниқса, шу йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари билан кенг миқёсда ҳамкорликни ўрнатишлари зарурлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу борада иккала томон, яъни илмий муассасалар ва илмий ишланмалар – илмий маҳсулот истеъмолчилари ҳам етарли даражада иш олиб бориши зарур.

Инновацион дастурлар орқали илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг иккинчи йўналиши бўйича иш олиб бориш етарли даражада эмас. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат: илмий муассасалари, уларда меҳнат қилаётган илмий ходимлар ўз илмий ишланмалар товар маҳсулот бўлиши механизмини яхши тушуниб етмаганилиги; илмий-тадқиқот маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш ва маҳсулотни сотиш механизмининг институционал асослари шаклланмаган; банкларда инновацион дастурлар учун илмий-тадқиқот муассасаларига кредит бериш механизми ишлаб чиқилмаган.

Кредитларнинг йиллик фоизларини юқори бўлганлиги ҳам инновацион дастурлар са-марадорлигининг паст бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, кредит берувчилар учун ҳам, кредит олувчилар учун ҳам кредитни ўз муддатида қайтармаслик ҳавфи юқори. Шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг бозорга чиқараётган илмий маҳсулотлари ҳақида етарли маълумотлар бўлмаганлиги ва кўпчилик ҳолатларда истеъмолчиларнинг илмий-тад-

қиқот маҳсулотларидан юқори самара олишига ишончсизлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг инновацион дастурлар асосида олиб борилиши учун айрим муаммолар ҳал қилиниши зарур. Биринчи муаммо – мавжуд муаммоларнинг ечими сифатида қонунчиликни такомиллаштириш, айрим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг янгидан қабул қилинишигача бўлган масалаларни ўз ичига олади. Иккинчи муҳим муаммолардан бири – банк кредитларининг йиллик фоизлари ва кредитни қайтариш муддати ҳисобланади.

Инновацион дастурларда тижорат банкларининг ўзларини ҳам бевосита иштирок этишларини рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бундай ҳолатда банк кредит фоизларидан ташқари, сотилган маҳсулотдан тушадиган тушумнинг бир қисмига ҳам шерик бўлиши мумкин [9].

Учинчи муаммо – илмий-тадқиқот ишларини инновацион дастурлари орқали молиялаштириш йўналиши, бизнинг фикримизча, қўйидагилардан иборат бўлиши керак: инновация йўналтирилиши мўлжалланган маҳсулот тури аниқланади, бу пахта, ғалла, уруғлик чигит ёки уруғлик ғалла, мева, узум, сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган инновацион дастур кўшимча қиймат яратилишига қаратилган бўлса, натижка яхши бўлиши мумкин.

Инновацион соҳани ривожлантириш учун илм-фан, таълим, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, молия-кредит тизимининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Агарар соҳада ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир [10].

Холоса ва тавсиялар. Тадқиқотлар натижаси асосида қўйидаги холосани шакллантиришга муваффақ бўлдик:

Холоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотлар натижасида аниқланган муаммоларнинг олдини олиш қўйидагиларга эътибор қаратиш муҳим: агарар фани олдида турган муаммоларга фақат фани ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашиш эмас, балки соҳа иқтисодиётини ва умуман мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг дарамодини ошириш; қишлоқда бандлик муаммоларини юмшатиш ва қишлоқларни комплекс ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашиш лозим бўлади.

Тадқиқотлар натижасида аниқланган муаммолар ечимини топиш қўйидагича: Бизнингча, агарар соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини устивор йўналишларда олиб бориш; соҳа-

да олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи назарий асосларини такомиллаштириш; аграр соҳага мослаштирилган давлат инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш; товар маҳсулоти етиши турувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари учун янги техника ва технология ишлаб чиқиш; соҳа харажатларни бошқаришни такомиллаштириш, соҳа маҳсулотлари рақобардошлигини ошириш; аграр соҳаси ривожланиши барқарорлигини таъминлаш асосида олиб бориш лозим.

Тадқиқот натижаси аграр соҳани инновацион ривожлантиришни инновацион кўллаб-куvvatлашнинг назарий умумлаштирилиши ва уларни илмий муаммоларини янги ечими сифатида илмий-амалий натижалар асосида фойдаланиш бўйича тавсиялар қўйидагилардан иборат. Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият илфор техник-технологик, ташкилий-иқтисодий

ечимларини жорий этиш, юқори маҳсулдор навлар, чорва моллари, элита уруғлари, юқори самарали қишлоқ хўжалик машиналари ва агрегатларини яратишнинг мураккаб жараёни сифатида тавсифланади. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланиш йўлига йўналтирилганлиги корхонани, фермер ва деҳқон хўжаликларини янгиликка бўлган қобилияти, имкониятларини ва тайёрлигини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Аграр соҳани инновацион ривожлантириш стратегияси юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни қўллаш, ишлаб чиқаришнинг энергия, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион илмий маҳсулотни тарғиб қилиш, ахборот-маслаҳат тизимларини яратишни назарда тутади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 3 февралдаги "2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш Концепцияси" ПФ-6159-сонли фармони. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 4 февраль.
2. Устенко В. С. (2021) Глобальные вызовы – новый ориентир научно-инновационной политики? / В. С. Устенко // Экономика и предпринимательство. Москва. – Т. 15, № 2. – С. 136–141.
3. Юдин А.А., Тарабукина Т.В., Облизов А.В., Коковкина С.В. (2019) Стратегия управления инновационным развитием аграрного сектора России в региональном аспекте (На примере Республики Коми) // Фундаментальные исследования. – № 5. – С. 167–173.
4. Архипов А.И. (2020) Стратегические приоритеты инновационного развития: проблемы и перспективы / А. И. Архипов // Горизонты экономики. Москва. – № 6. – С. 128–135.
5. Анисимова С.В., Денежкина И.Е. (2016) Оптимизация машинно-тракторного парка сельхозпредприятия в новых условиях хозяйствования – Вестник Финансового Университета, Москва. - №6. - С. 71-76.
6. Резниченко С.С. (2016) Развитие аграрного сектора экономики на основе инноваций / С. С. Резниченко, С. Ю. Андреев. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. Москва. - № 8.8 (112.8). - С. 27-28.
7. Коокуева В.В. (2021) Роль Фонда содействия инновациям в реализации государственной инновационной политики / В. В. Коокуева // Экономика и предпринимательство. Москва. – Т. 15, № 2. – С. 326–332.
8. Жуковская И.В., Усарова И.А., Павлова И.В. (2021) Атрибутивная модель инновационных решений: от теории к практике =Attributive model of innovative solutions: from theory to practice /И. В. Жуковская, И. А. Усарова, И. В. Павлова // Микроэкономика. Москва. – № 1. – С. 22–26.
9. Babadjanov A. (2020) Investment in the Water Supply and Economic Problems: – Journal. Solutions. Journal of Scientific Research Reports. India. 26(6): – Pp. 100-109.
10. Babadjanov A. (2021) Future Priority Directions of Research in the Agrarian Sphere and Improvement of their Financing System. American Journal of Economics and Business Management. The USA Journal, USA. ISSN 2576-5973. Volume: 4, Issue: 10, – Pp. 15-26.

ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИ ТОМОРҚА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РЕСУРСЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a53

Муратов Шукрулло Абдураимович –
PhD докторант, Тошкент ирригация ва
қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Аннотация. Мазкур илмий тадқиқот ишида қишлоқ худудларида томорқа хўжалик фаолиятидан келадиган даромадларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, томорқа хўжалик фаолиятидан келадиган даромадларнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларга tobit регрессияси орқали иқтисодий баҳо берилган ва уларнинг мултиколлинеарлигини аниқлашда VIF (Variance inflation factor) тест ўтказилган. Таҳлилда Самарқанд вилоятининг 4 та туманида 170 та томорқа ер эгаларидан ўтказилган аноним сўровнома маълумотларидан фойдаланилган. Томорқа хўжаликлари фаолиятидан келадиган даромадларнинг ошишида, томорқа экин майдони ҳажми, органик ва минерал ўғитлар сарфи, уруғлик ва қўчат харажатлари, экин майдонини экишга таёrlаш харажатлари ҳамда томорқа хўжалигидан "Томорқа хизмати" МЧЖгача ва минерал ўғит шаҳобчасигача бўлган масофа ҳамда томорқа ер эгалари ёши 1 фоиз ($p < .01$)ликда статистик муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланган.